

**РАҲБАРЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИК ЖАМОАДАГИ ЗИДДИЯТЛАРНИ  
БАРТАРАФ ЭТИШ МАҲОРАТИ****Саидов Аслиддин Норбобо ўғли***International school of finance technology and science institute**Илмий ишлар ва инновациялар бўлими бошлиғи*

**Аннотация:** *Мазкур мақолада педагогик жамоадаги зиддиятларни бартараф этиш масаласи тадқиқ қилинган. Шунингдек, Раҳбарнинг бошқарув маҳорати педагогик жамоа аъзолари билан ишлаш жараёнини муваффақиятли ташкил этишининг асосий омиллардан эканлиги ёритилган.*

**Калит сўзлар:** *раҳбар, педагогик жамоа, зиддият, жамоани бошқариш кўникмаси.*

Педагогик жамоа билан ишлаш жараёнини ташкил этишда умумтаълим мактаблари раҳбарларининг педагогик жамоадаги зиддиятларни бартараф этиш маҳоратини ривожланганлиги муҳим аҳамиятга эга. Раҳбарнинг бошқарув маҳорати педагогик жамоа аъзолари билан ишлаш жараёнини муваффақиятли ташкил этиш имконини беради. Бундан кўзланадиган асосий мақсад жамоанинг ҳар бир аъзосини узлуксиз ривожлантириш, жипслаштириш, жамоавийлик руҳида тарбиялаш, микросоциумга муваффақиятли мослаштиришдан иборат. Умумтаълим мактаблари раҳбарлари педагогик жамоаси билан ўқув жараёни олдида қўйилган мақсадга эришиш учун биргаликда ҳаракат қилиши керак<sup>1</sup>. Бунинг учун раҳбар шахсида креативлик, ўз фаолиятига танқидий ёндашиш, масъулиятлилик, толерантлик, қизиқувчанлик, эмпатия каби сифатлар барқарорлашган бўлиши лозим.

Бугунги кунда педагогик жамоа билан ишлаш жараёнини ташкил этиш учун умумтаълим мактаблари раҳбарларида янгича бошқарув тафаккури шаклланган бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бу қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

- раҳбарнинг эътибори педагогик жамоа фаолиятига қаратилиши;
- жамоанинг ҳар бир аъзосига нисбатан объектив, толерант муносабатда бўлиши;
- жамоадаги педагогик-психологик муҳитни чуқур таҳлил қилиши;
- педагогик жамоада мавжуд бўлган камчиликлар ва бўшлиқларни чуқур таҳлил қилиб, тузатишлар кирита олиши;
- жамоада вужудга келган турли педагогик вазиятларни таҳлил қилиб, муаммоларни бартараф этиш йўллари кўрсата олиши;
- ҳамкасбларининг педагогик жамоа билан ишлаш соҳасидаги илғор тажрибаларини ўрганиши, умумлаштира олиши ва ўз фаолиятида қўллаши кабилар.

<sup>1</sup> Куприянов Р. В. Межличностные конфликты в диаде преподаватель - студент : монография /. Казань: КНИТУ 2011. – С112.

Умумтаълим мактаблари раҳбарлари педагогик жамоада вужудга келган муаммоларни улар билан биргаликда таҳлил қилиб, бартараф этиш йўлларини кўрсатиши муҳим аҳамиятга эга. Раҳбардан педагогик жамоа муваффақиятини таъминлаши учун янги ҳамда муқобил директив қарашларни мунтазам ўзлаштириши, ўз фаолиятида илғор тажрибаларни қўллаши талаб этилади.

Педагогик жамоа билан ишлашда умумтаълим мактаблари раҳбарларининг ташкилотчилиги ва ижодкорлики муҳим ўрин эгаллайди. Чунки раҳбарнинг ташкилотчилиги ва ижодкорлиги унинг жамоа аъзолари билан руҳий жиҳатдан яқинлашувини таъминлайди ҳамда уларни маънавий-ахлоқий ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади<sup>2</sup>. Шу билан бир қаторда ўзи билан педагоглар жамоаси орасида вужудга келадиган зиддиятларни бартараф этишда унинг ташкилотчилик ва ижодкорлик қобилияти алоҳида аҳамият касб этади.

Жамоавий фаолият жараёнида педагогларнинг бир-бирларига юксак маънавий, маданий нуқтаи назардан туриб ёндашиш сифатлари қарор топади. Педагогик жамоа фаолиятини ташкил этишда умумтаълим мактаби раҳбари ўз қарашлари, нуқтаи назари, бошқарув маҳоратини намоён қилади. Бунда раҳбарнинг менеджерлик билимдонлиги, фаолиятни мувофиқлаштира олиши катта аҳамиятга эга.

Педагогик жамоа аъзолари фаолиятини мувофиқлаштира олиши учун раҳбардан ўз тажрибасини мунтазам ошириши, шахсий ва касбий сифатларини турли ижтимоий-педагогик тадбирлар жараёнида намоён қила олиши, ўз фаолиятини мунтазам таҳлил қилиши, хатоларини тан олиб тузатиши, ҳамкасблари тажрибасини ижодий ўзлаштириши, ўз тажрибаларини оммалаштириши талаб этилади.

Умумтаълим мактаблари раҳбарлари педагогик жамоа фаолиятини муваффақиятли ташкил этиши учун биринчи навбатда таълим олдида турган ижтимоий буюртма, таълимнинг умумий ва хусусий мақсадлари, фан-техника ютуқлари, жамият эҳтиёжлари, шахс ва жамоани ривожлантириш қонуниятларини яхши ўзлаштирган бўлиши лозим. Бунинг учун раҳбарда юқори даражадаги бошқарувга оид майл, инсонпарварлик, жамоавий фикрни хурмат қилиш каби сифатлар барқарор ривожланган бўлиши керак.

Умумтаълим мактаблари раҳбарлари педагогик жамоа фаолиятини самарали ташкил этиш ва турли зиддиятларни бартараф эта олишининг илмий асосларини такомиллаштириш учун қуйидаги йўналишларда изланишларни амалга ошириш талаб қилинмоқда:

- педагогик жамоа фаолиятини ташкил этишнинг турли имкониятларини кенгайтириш;
- педагоглар жамоасининг ҳар бир аъзосига нисбатан қадриятли муносабатни қарор топтиришга хизмат қиладиган таъсир воситаларини танлаш;

<sup>2</sup> Коломинский Я. Л. Психология педагогического взаимодействия : учеб. пособие. СПб.: Речь, 2007. – С.240.

- педагогик жамоа билан ишлаш имконини берадиган ташкилий педагогик чоратдбирларни танлаш ва тизимлаштириш.

Умумтаълим мактаблари раҳбарларининг педагогик жамоадаги зиддиятларни бартараф этиши асосий бошқарув шаклини ифодалаб, энг зарур раҳбарлик инструментарийси сифатида намоён бўлади.

Маълумки, шахснинг ким эканлиги, касбий-шахсий ривожланганлик даражаси жамоавий фаолиятда намоён бўлади. Бу эса тараққиётнинг муҳим қонуниятларидан бири ҳисобланади. Ушбу қонуниятни асословчи иккита асосий ҳолат мавжуд. Биринчиси, жамоавий фаолиятнинг асосий мақсади шахсни ривожлантириш билан боғлиқ бўлиб, педагогик жамоа аъзоларида дўстлик, ўзаро ҳамкорлик, ҳамдардлик сифатлари таркиб топади<sup>3</sup>. Назарда тутилган мақсадга эришиш шахснинг яхши ташкил этилган жамоада фаолият кўрсатиши маҳсули ҳисобланади. Бунинг учун умумтаълим мактаблари раҳбарлари педагогик жамоада соғлом рақобатга асосланган ижтимоий, психологик муҳитни шакллантира олиши лозим.

Иккинчи ҳолат шу билан боғлиқки, меҳнат фаолиятида раҳбар педагогик жамоага фақатгина таъсир кўрсатиш орқали уларнинг ривожланишини таъминлай олмайди. Жамоа аъзоларининг етук мутахассис сифатида ривожланишлари учун уларга жамоанинг ҳар томонлама таъсири зарур ҳисобланади. Бу шахснинг мустақиллиги ва ҳимояланганлигини таъминлабгина қолмасдан, ўзида бой ахлоқий, бадиий, эстетик сифатларни ҳам мужассамлаштирган ҳолда комил инсон тараққиётини таъминлашга хизмат қилади.

Шунинг учун ҳам тажрибали, ташкилотчи раҳбар ўз фаолиятининг натижаси сифатида барқарор, ўзаро жипслашган педагогик жамоани шакллантира олади. Ушбу жамоани шахснинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлашга йўналтириш ҳам раҳбарнинг асосий вазифалари сирасига киради. Бундай жамоани шакллантирмасдан туриб, раҳбарлар таълим жараёни олдига қўйилган тарбиявий мақсадларни амалга ошира олмайдилар.

Педагоглар жамоаси бир муассасада фаолият олиб борадиган ўқитувчи ходимлар гуруҳидан ташкил топган бўлиб, ягона мақсад, фаолият ва ушбу фаолиятни ташкил этиш натижасида бирлашадилар.

Педагогик жамоанинг муҳим белгилари унинг аъзолари ягона мақсад атрофида бирлашганлиги, биргалиқда фаолият кўрсатишида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам жамоанинг ўзига хос белгилари сирасига қуйидагилар киради:

- умум аҳамиятга эга бўлган мақсаднинг мавжудлиги;
- унда динамик характердаги механизмнинг мавжудлиги;
- жамоа аъзоларининг турли-туман ижтимоий фаолиятга тизимли тарзда жалб этилиши;
- ҳамкорликдаги фаолиятнинг ўзаро мувофиқ тарзда ташкил этилганлиги;
- жамоа аъзоларининг изчил амалий тарзда жамият билан боғланганлиги;

<sup>3</sup> Гришина Н. В. Психология конфликта. СПб.: Питер, 2006 – С.213.

- ижобий анъаналар ва жозибатор истиқболнинг мавжудлиги;
- ўзаро ҳурмат, ишонч ва талабчанликка асосланган муҳитнинг шаклланганлиги;
- танқид ва ўз-ўзини танқиднинг ривожланганлиги;
- онгли интизомнинг шаклланганлиги.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, педагогик жамоага хос бўлган мазкур белгилар ўз-ўзидан бирданига шаклланмайди. Мутахассислар педагогик жамоанинг учта функциясини ажратиб кўрсатганлар:

ташкилий функция – педагогик жамоа ўзининг ижтимоий-фойдали фаолиятини бошқариш имконига эга бўлади;

тарбиявий функция – педагогик жамоа муайян ахлоқий идеалларнинг ташувчиси ва тарғиб қилувчиси сифатида намоён бўлади;

йўналтирувчи функция – педагогик жамоа барча ижтимоий фойдали ишларни амалга оширишга йўналтирувчи куч сифатида шаклланади ҳамда ўз аъзоларининг хулқ-атвори, ўзаро муносабатларини бошқаради.

Хулоса қилиб айтганда, жамоанинг ривожланишида биргаликдаги фаолият асосий ўрин эгаллайди. Бу биринчидан, жамоанинг барча аъзоларини ранг-баранг ижтимоий фойдали фаолиятга жалб этади; иккинчидан эса, жамоанинг барча аъзоларини ягона мақсад атрофида бирлаштириш асосида ишчанлик, жипслашишга ундайди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Куприянов Р. В. Межличностные конфликты в диаде преподаватель - студент : монография /. Казань: КНИТУ 2011. – С112.
2. Коломинский Я. Л. Психология педагогического взаимодействия : учеб. пособие. СПб.: Речь, 2007. – С.240.
3. Гришина Н. В. Психология конфликта. СПб.: Питер, 2006 – С.213.